

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Yo'lreftrans" AJ

Объявление

"YO'LREFTRANS" AKSIYADORLIK JAMIYATI

2021 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича

### «YO'LREFTRANS» АЖНИНГ 2021 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича:

«MarikonAudit» МЧЖ томонидан 2022 йил 15 июндаги 145/1-сонли хати билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини Баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи ва хулосаси тақдим қилинди.

Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда тадбиркорлик ва бизнес олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилиб, унинг натижа “юқори” бўлиб, 218 баллни ташкил этган, яъни 18%.

Баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:

Кодекс тавсияларига риоя қилинмаган йўналишлари

Жамият ички ҳужжатларда умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имкони берилмаган.

Жамият томонидан тафтиш комиссия органи таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар белгиланган ички ҳужжатлар ишлаб чиқиш.

Жамият ички ҳужжатларда акциядорлар умумий йиғилиши раисига акциядорлар умумий йиғилишини видеога ёзиб олиш ва интернет тармоғида трансляция қилишни амалга ошириш бўйича ҳуқуқ берилмаган.

Тушунтиришлар

Жамият акциядорларининг келгусида бўлиб ўтадиган умумий йиғилишларида тегишли ички ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилади.

Жамият акциядорларининг келгусида бўлиб ўтадиган умумий йиғилишларида Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низоми янги тахрирда тасдиқланиб ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан тахрирланиши режалаштирилган.

Жамият акциядорларининг келгусида бўлиб ўтадиган умумий йиғилишларида тегишли низомлар ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан тахрирланиши режалаштирилган

**Акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот берадиган АЖ бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) матни ва шаклларига талаблар ўрнатилмаган.**

**Ижроия орган раҳбари ва аъзоларини танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон матни чоп қилинмаган.**

**Жамиятда сифат менежменти тизими бўйича халқаро орган томонидан бериладиган халқаро сертификат олинмаган.**

**Жамият сайтида фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари мавжуд эмас.**

06.06.2023

**Жамият акциядорларининг келгусида бўлиб ўтадиган умумий йиғилишларида Акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот берадиган АЖ бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) матни ва шаклларига талаблар ўрнатилиши режалаштирилган**  
**Жамиятда 2021 йилда Ижроия орган раҳбари ва аъзоларига танлов ўтказилмаган. Кузатув кенгаши томонидан Ижроия органи раҳбарлигига ва аъзоларига ижро органининг бизнес-режани бажарилишига Баҳо берган ҳолда сайланади.**

**Ушбу масала бўйича Жамиятда тегишли бўлимларга топшириқ берилган.**

**Фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари эълон қилингандан сўнг жамият сайтига жойлаштириш кўзда тутилган.**

---

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/15794/>

Дата: 07.05.2026